


# Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

## МАНФААТДОРЛИК ОШГАЧ

**Электрон ҳисоблаш машиналарини таъмирлашга мўлжалланган корхонанинг фаолият кўрсатаётганига 25 йил тўлди. Хўш, шу муддат ичида корхонада нималар ўзгарди? Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхона қандай ишларни амалга оширмоқда? Мухбиримиз ана шу ва бошқа саволлар билан корхона директори Ликандр Тер-Погосянга мурожаат қилди.**

—25 йил мобайнида кўп нарсалар ўзгарди. Айниқса электрон ҳисоблаш техника тузилишида бу нарса аниқ кўзга ташланди. Бугунги кунда ана шу ўзгаришларга етиб олиш учун мутахассисларимизни қайта тайёрлаяпмиз. Ходимларимиз ҳозирги мураккаб машиналарни таъмирлашда катта муваффақиятларга эришмоқда. Шу сабаб улар республикамизнинг барча вилоят ҳамда туман электрон ҳисоблаш марказларига хизмат кўрсатишмоқда.

**— Ўзингизга маълумки, собиқ Иттифоқ тарқаб кетгандан кейин хўжаликлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилди. Ҳозир ҳам бу алоқалар талаб даражасида эмас. Сизларда бу жараён қандай кечди?**

—Кейинги беш-олти йил ичида собиқ Иттифоқ ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилган бўлмаса-да лекин бизнинг корхона ўша қийин йилларда ҳам кўплаб алоқаларни сақлаб қолди. Шунинг учун ҳам корхона шу беш-олти йил мобайнида бир кун ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Лекин бу билан корхонада умуман муаммо йўқ экан, деган фикр туғилмаслиги керак. Бунга мисол тариқасида пул ўтказиш муаммосини келтириш мумкин. Айни пайтда мустақил Ҳамдўстлик мамлакатларида жойлашган корхоналари у ёкда турсин, республикамиз ичида пул ўтказиш жуда қийин бўлиб кетди. Шунинг учун яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни ўз вақтида чиқди, деб ўйлайман. Мисол учун унда «Корхоналарнинг ҳисоб варақаларида тегишли маблағлар мавжуд бўлгани ҳолда тўловларни ўтказишнинг белгиланган муддатларини бузган тижорат банклари филиалларининг раҳбарларига ва бухгалтерларига энг оз иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда маъмурий жарима соладилар» дейилган. Эндиликда Фармоннинг мана шу бандининг ўзи банк ходимларининг пул ўтказиш борасидаги жавобгарлигини кучайтириши аниқ.

**— Кейинги вақтларда халқ хўжалигига керакли янги маҳсулотлар корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш ўзлаштирилдими?**

— Бизга керакли бўлган замонавий техник қисмлари жуда мураккаб ҳисобланади. Уларнинг бир қисми ҳозир «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқарилмоқда.

Энди корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга келсак, бу борада кейинги йилларда кўп ишлар амалга оширилди. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, корхонада ностандарт маҳсулотларни ишлаб чиқариш компьютерларни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш ҳажмидан ҳам ошиб кетди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган банкларда ишлатиладиган столлар, ўғирликдан сақловчи шкафлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари жамоада сейф ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган. Энергетиклар учун махсус ечиниш шкафлари эса ишчиларга қулайдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган ностандарт маҳсулотлар харидорлар томонидан тезда сотиб олинмоқда. Шунга яраша ишчиларимизнинг моддий манфаатдорлиги ошмоқда. Бу эса ўз навбатида уларнинг самарали ва сифатли ишлашига олиб келмоқда.

Суҳбатдош
Ғулом ЮСУПОВ.

# Маънавий қадриятларимиз

## КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Халқимизда: «Бир фарзандга етти қўшни ота-оналик қилади», деган мақол бор. Ушбу ҳикмат қадим замонлардан буён меҳр-оқибат, одамийлик ва аҳиллик ўчоғи бўлиб келган маҳаллаларимизда шаклланган бўлса ажаб эмас. Қадрдон маҳалла! Ватан ичра Ватан ҳисобланмиш бундай масканнинг ўхшаши жаҳонда йўқ! Оламга таниқли шаҳарларнинг аҳоли яшайдиган мавзелари — Манчестеру Уолл-стрит, Лондону Шанхайнинг кварталлари ўзбекнинг маҳалласи олдидан ўтаверсин!

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлаётган туб ўзгаришлар ва миллий қадриятларимизнинг тикланаётганлиги билан бир қаторда маҳаллаларга ҳам катта эътибор берилаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Маҳаллада кўп йиллардан буён шаклланган ижтимоий муҳитни фаоллаштириш, унинг тарбиявий ролини ошириш ўз навбатида кўпгина долзарб муаммоларнинг ечилишига замин яратади.

Буни Акмал Икромов туманидаги «Катта Қаъни» маҳалласи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. «Катта Қаъни» — шаҳримиздаги аҳолиси ва ҳудуди бўйича энг катта маҳаллалардан бири. Унинг бир чеккаси Зангиота туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигига туташиб кетган. Шу сабабли бу ерда деҳқончилик билан шуғулланиш, шахсий чорва асрашга шароит бошқа жойлардагига қараганда кўпроқ.

— Одамларимиз жуда меҳнаткаш ва иноқ, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли Қобил ака Қодиров, — шунинг учун ҳам доимо осуда ҳаёт ҳукм суради. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига биноан маҳалламизда кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибали кексалар ва фаол фуқаролардан иборат маҳалла кенгаши тузилган. Илгари бундай кенгашлар номигагина фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир маҳалла турмушининг ҳар бир соҳасига оид кенгашлар мунтазам ишлаб турибди. Масалан, маърифий, таълим-тарбиявий ишлар бўйича, хотин-қизлар, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари, фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ёшлар билан ишлаш, ободончилик ишлари бўйича, тўй ва маъракаларни ўтказиш, корхоналар билан ҳамкорлик, экологияни яхшилаш бўйича кенгашлар шулар жумласидандир. Ҳар бир кенгашга мазкур соҳадан яхши хабардор, тажрибали кишилар бошчилик қиладилар. Маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайланиб, кенгашлар фаолият бошлаган 1993 йилдан буён ўтган вақт ичида маҳаллада катта ижобий ўзгаришлар юз берди...

Қобил аканинг сўзларини тинглаб, тўғриси қойил қолдик. Шаҳар ичидаги битта маҳалланинг ўзида шунча масалалар бўйича кенгашлар тузилган! «Ўз-ўзини бошқариш» дегани шу-да. Булар фақат номигагина тузилгани йўқ. Масалан, экологияни яхшилаш кенгашини олайлик. Бир пайтлар кўчаларимиздан оқиб турган зилол сувли ариқлардан одамлар сув ичишган. Бугунга келиб улар ачинарли аҳволга тушганлиги сир эмас. Сувнинг покизалигини сақлаш, бу ҳақда ёшларга уқтириш, кўча ва гузарларни кўкаламзорлаштириш, мевали дарахтларни кўпайтириш каби хайрли ишларга маҳалла кексалари бел боғлаганлар.

Айниқса маҳалладаги маърифий ва таълим-тарбиявий ишлар кенгашининг иши катта таассурот уйғотади.

— Мактаб-маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган, — дейди Қобил ака, — кенгаш аъзолари маҳалладаги 203 ва 287-мактабларга тез-тез боришиб, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, таълим-тарбия ишларини яхшилаш, ёшларни касбга йўллаш ва бошқа масалаларда яқиндан кўмак берадилар. Аълочи ўқувчиларга маҳалла жамғармасидан пул мукофотлари берилади. Энг иқтидорли ўқувчилар учун Аҳмад Яссавий мукофотини таъсис этганмиз.

Қобил ака шундай дея бизга иккита қутичадаги 200 га яқин «Аҳмад Яссавий» номли кўкрак нишонларини кўрсатди.

— Буларни ҳар ўқув йилининг сўнггида 10-15 нафар иқтидорли ўқувчиларга топширамиз, — дейди маҳалла оқсоқоли мамнун бўлиб. — Маҳалладаги турфа юмушлардан ортиб, заргарлик корхонасига бориб «арзимайдиган»дек кўринган бундай нишонларни тайёрлатишга очиғи, ҳар қандай маҳалла оқсоқоли ҳафсала қилавермайди!

— Буям бир рағбатлантириш-да, — дейди Қобил ака, — ҳар қандай саъй-ҳаракатлар қилсак, ўз фарзандларимиз учун бўлади-ку. Маҳалламизда тарбияси оғир, бекорчи-безори болалар умуман йўқ. Ҳаммаси ўқиш, ҳунар ўрганиш билан машғул. Мен сизга айтсам, бу маҳалладаги ижобий тарбиявий муҳитнинг самарасидир. Биз ана шу муҳитни авайлаб асрашимиз керак.

Маҳаллада ташкил этилган «Шодлик» футбол командаси ҳақиқатан ҳам мухлислари учун шодлик келтирди. Туман ва шаҳар мусобақалари ўртасида ғолибликни қўлга киритиб республика маҳалла жамоаларининг беллашувига йўлланма олди.

«Катта Қаъни» маҳалла кенгашининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот мажлисида «Катта Қаъни» транспорт бекати қурилганлиги, янги чойхона қурилиб, эскилари таъмирланганлиги «Шарқ», «Шодлик» кўчаларида 1,2 километр масофага асфальт ётқизилганлиги, 3,2 километр жойда электр симёғочлари бетон устунлар билан алмаштирилгани, радио тармоғи ўтказилгани, А. Исматов ва Фозилтепа кўчаларини газлаштириш бошланганлиги, кичик тикувчилик корхонасини қуриш бошлаб юборилганлиги—ўтган йилда бошланган ва бажарилган ишлар сифатида қисқача айтиб ўтилди. Аммо буларга қанча саъй-ҳаракатлар эвазига эришилганлигини маҳалладошлар яхши биладилар.

«Одам мансаби билан эмас, мансаб одами билан улуғ», деган нақл бор. Маҳаллада олиб борилаётган кенг кўламли, намунали ишларга маҳалла оқсоқоли Қобил ака Қодиров доимо бош-қош бўлмоқдалар.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.









*СУРАТЛАРДА: «Катта Қаъни» маҳалласи ҳаётидан лавҳалар.*

## ТИНМАСИН ШЎХ ЯЛЛАЛАР

Шаҳримиздаги Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйида фаолият кўрсатаётган «Яхши ният» эстрада қўшиқлари дастасининг ижодий жамоаси «Ёшлик оқшоми» деб номланган янги концерт томошаси билан ўз мухлисларини кутиб олди. Эстрада шинавандалари ансамбль ижросидаги ўзбек, қардош халқлар, ҳинд, араб, эрон эстрада куй ва қўшиқларини катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Дастурни дастанинг бадиий раҳбари Бахтиёр Зокиров саҳнага олиб чиққан. Эстрада мухлислари Адҳамжон Каримов, Ботирбек Қосимбеков, Ҳожиакбар Алижонов, Баҳодир Алимуҳамедовлар талқинидаги дилга яқин шўх, шодумон ялла, куй ва қўшиқларни мириқиб тинглаб, қувноқ яллаларга рақс тушдилар.

## ДОИРА САДОСИ ЯНГРАГАНДА

Ўзбек халқ чолғу асбобларидан доира узоқ йиллардан буён халқимизнинг хурсандчилик кунларидан даракчи сифатида машҳурдир. Бугунги кунда ҳам ҳар қандай катта тўю-томошалар байрам тантаналари доиралар жарангисиз ўтмайди. Пойтахтимиздаги «Қизил тонг» маданият саройида фаолият кўрсатиб келаётган доирачилар дастаси ҳам ўзларининг ранг-баранг дастурлари билан халқимизга қувонч улашиб келмоқдалар. Эркин Абдуллаев раҳбарлик қилаётган мазкур даста куни кеча янги концерт дастурини мухлислар ҳукмига ҳавола этдилар.

«Ўзбекистон оҳанглари» деб номланган дастурдан қадимда ота-боболаримиз ижро этиб келган мусиқа садолари, замонавий ва тантанали доира усуллари ўрин олган. Айниқса ижодий гуруҳ томонидан тақдим этилаётган якка ижролар, ансамбль жўрлигидаги тантанавор оҳанглар барчага манзур бўлмоқда.

## ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШМОҚДА

Толибжон Содиқов номли маданият уйида фаолият кўрсатаётган «Қўнғирокча» номли халқ қўғирчоқ театри ижодий жамоаси жажжи театр мухлисларини янги саҳна томошаси билан хушнуд этдилар. Рус халқ эртаклари асосида саҳнага олиб чиқилган «Ноқулай дум» деб номланган спектакль ёш томошабинларга хуш кайфият улашмоқда. Туман мактабгача тарбия муассасалари, мактаб саҳналари, маданият ва истироҳат боғларининг очиқ саҳналарида намойиш этилаётган мазкур саҳна томошасини театрнинг режиссёри Раиса Сакольская саҳналаштирган. Спектаклдаги асосий ролларни театр студияси қатнашчилари бўлмиш мактаб ўқувчилари ижро этмоқдалар.

Салоҳиддин
СИРОЖИДДИНОВ.

## ХОТИРАЛАРДА БАРҲАЁТ

ТошДУ қошидаги Саъди Сирожиддинов номли лицей-интернатда машҳур математик олим, шу билим маскани асосчиларидан бири Саъди Сирожиддиновнинг таваллуд топган кунига 75 йил тўлиши муносабати билан хотира кечаси ўтказилди. Кечада олимнинг шогирдлари, яқин кишилари, оила аъзолари иштирок этишди. Атоқли олимлардан Фатхулла Зикриллаев, Шокиржон Фармоновлар сўзга чиқишиб академик Саъди Сирожиддинов ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Маълумки, миллий маданиятимизни тараққий эттиришда, хусусан математика фанининг эҳтимоллар назариясини ривожлантиришда С. Сирожиддиновнинг ҳиссаси каттадир. У иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, математика тарихини, жумладан Марказий Осиё олимларининг ўтмишдаги математика ифодаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, дунёга тарқатган билимдон олимдир. Олим Марказий Осиёда биринчи бўлиб математика институтини ташкил қилган, 15 га яқин фан доктори, 50 га яқин фан номзодларини етказиб берган. Саъди Ҳасановичнинг ўзи Халқаро статистик марказ институтининг ҳақиқий аъзоси бўлган. Голландиянинг Гаага шаҳрида 5 марта совет — япон симпозиуми иштирокчиси бўлган. 1986 йилда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро статистлар жамияти Бернули номидаги конгресснинг ташкилотчиси эди. Домла нафақат аниқ фанлар, балки маданият, халқ тарихи, мусиқа, классик адабиётнинг ҳам чуқур билимдони бўлган. Республика шахмат федерациясининг аъзоси, ТошДУ ректори Саъди Сирожиддинов бир неча йиллар мобайнида Ўзбекистон Олий кенгашининг депутати, кейинчалик унинг раиси сифатида халқ хизматида бўлди. Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек: «Инсоннинг зеби-зийнати билими ва одобидир. Буларни шогирдларига сингдира олган устозгина чинакам устоздир». Атоқли олим Саъди Сирожиддинов ҳам ана шундай устозлардан эди.

Назокат УСМОНОВА.

# Хусусийлаштириш — давр талаби

## ДОРИЛАР — ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА

**Бектемир туманида 5 та мактаб, 15 та болалар боғчаси, учта шифохона, бир қанча йирик корхоналар мавжуд. Туман аҳолисини дори-дармонлар билан таъминлаш юзасидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида «Истиқлол — 159» акциядорлик жамиятининг раиси Абдумалик Иброҳимов шундай деди:**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 159-дорихона Бектемир тумани дорихоналар бирлашмаси таркибига кирувчи дорихоналарнинг мулкчилик шакли ўзгариши, давлат тасарруфидан чиқариши, хусусийлаштириш муносабати билан 1994 йил 29 сентябрда таъсисчилар мажлисининг қарори билан «Истиқлол — 159» акциядорлик жамияти номи билан ташкил этилди. Мазкур қарор талабларини бажариш жараёнида бозор муносабатини кенг жорий этиш ва чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, туман аҳолисини ва даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида банк берган қарзлардан оқилона фойдаланиб, Тошкент кимё-фармацевтика заводи ва ҳар хил фирмалардан 1994 йили 353 минг сўмлик, 1995 йилнинг ҳозиригача 399 минг сўмлик дори-дармонлар аҳолига етказиб берилди.

Дорихонамиз мустақил фаолият жараёнида иккинчи жаҳон уруши ногиронларини ҳамда имтиёз жиҳатидан уларга тенглаштирилган фахрийлар учун дори-дармонларнинг заҳирасини ташкил этиб, имтиёзли кишиларга алоҳида эътибор билан фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида дори заводлари ўртасидаги муносабатларнинг узилиши сотувдаги дори-дармонларнинг хили ва ҳажмига салбий таъсир кўрсатди. Дорихонамизда дориларнинг ҳажми ўшанда 100—120 минг сўм (200-250 хил)ни ташкил қилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлаш ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан кейин шу кунга келиб «Истиқлол — 159» акциядорлиқ жамияти дорихонасида сотиладиган маҳсулот ҳажми 690 минг сўмга (600—650 хилга) етказилди. Бунда уруш қатнашчиларига ва ушбу тоифага тенглаштирилган беморларга дори-дармонлар заҳираси кўпайтирилиб, имтиёзли равишда, шифокорларнинг тавсияномалари бўйича бепул берилади.

Усмон УСМОНОВ
ёзиб олди.

# Шахсий фикр

## МЕҲРИБОНЛИК — ИНСОН КЎЗГУСИ

Давлатимиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда қарияларни, кам таъминланган оилаларни ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳукуматимиз томонидан жиддий диққат-эътибор қаратилмоқда. Пенсия ва ногиронлик бўйича нафақалар миқдори бир неча бор оширилди. Бундай ғамхўрлик тадбирларининг мазмуни ва моҳияти битта: бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қариялар, уруш қатнашчилари, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш, уларнинг эҳтиёж ҳамда талабларини тўларок қондиришдан иборатдир.

Бундай олижаноб мақсадлар ва тадбирлар замирида юртимизда фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, яхширок турмуш тарзини шакллантириш каби ҳаммага тушунарли бўлган ҳақиқат ётади. Хўш, шундай экан, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари жойларда қандай бажарилмоқда? Ногиронларга қандай муносабатда бўлинмоқда, деган савол туғилади. Агар ногиронлик муаммолари ва уларни тиббий-ижтимоий қайта тиклаш масалаларининг илмий ечимини асослаш бўйича фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги қошидаги Ўзбекистон ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш институтида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилига эътибор берилса, бу борада ечимини кутаётган муаммолар кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул этилган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш» Қонунида ҳуқуқий пойдевор яратилган. Бу Қонунга асосан ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот ва жамоа хўжаликлари ўзининг 3 фоиз иш жойини ногиронлар учун ажратиб қўйишлари ва шу иш жойларини фақат ногиронлар билан банд қилишлари лозимлиги қайд этилган. Афсуски, айрим раҳбарлар буни ўз назоратларидан четда қолдирмоқдалар. Агар 1991 йилда 25,3 фоиз ногирон меҳнат фаолияти билан банд бўлган бўлса, 1993 йилда у 2 фоизгача қисқарган. Ногирон одам ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок этиши учун унга ҳар томонлама ёрдам берилиши лозим. Айниқса болаликдан ногирон бўлиб қолганлар бундай ғамхўрликка муҳтожлар. Бу вазифа бир неча муаммоларни ҳал этишни талаб қилади. Яъни ногирон одамнинг мустақил яшай олишини таъминлаш, ўзини эплай олиши, таълим олиши, касб эгаси бўлиши ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу масалани ҳаётга тадбиқ этишни кучайтиришни 1992 йил 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 328-сонли қарори билан белгилади. Бунда асосан давлат томонидан ногиронларни ҳаётда ва жамиятда ўз ўринларини топишларига шарт-шароит яратиш бўйича масъул вазирлик ва тармоқларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди. Бу қарорнинг тиббий-меҳнат экспертиза тизимларидаги аҳамияти шундаки, 1956 йилдан бери қўлланилиб келинаётган ногиронликни аниқлаш қоидалари бекор қилиниб, республикамиз шароити инобатга олинган ҳолда ногиронлик гуруҳларини аниқлаш қоидалари қабул қилинди. Ушбу қоидага асосан ногиронлик уч тоифада белгиланиб, бунда беморни ҳаётдаги ижтимоий кўникмалари, саломатлик даражасига мос келадиган меҳнат фаолиятида келажакда ишлай билиши, ташқи муҳит шароитига ўрганиб кетиши ва ижтимоий-маиший томонларига катта эътибор берилган. Ногиронларни меҳнатга қайта тайёрлаш, касбга ўргатиш ва саломатликларини қайта тиклаш масалаларига асосий аҳамият қаратилган.

Эндиликда Тошкент шаҳри туманларида ногиронларни меҳнат жараёнида саломатлигига лойиқ иш билан таъминловчи ва уларни меҳнат шароитларини назорат қилувчи ишлаб чиқариш негизини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу тармоқ негизининг асосий вазифаси ногиронларни нафақат меҳнат фаолиятида қатнашишни таъминлаш, балки уларга мос келадиган иш жойларини ажратиш ва ташкил қилишдан иборат бўлиши лозим. Айниқса бунда бозор иқтисодиёти шароитида рақобат қила оладиган корхоналар ва фирмалар тузиш бўйича йўналтирувчи орган фаоллик кўрсатса айни муддао. Бу тадбирларда ногиронлар, карлар ва кўрлар жамиятларида бўлган илғор тажрибаларидан ва уларнинг фаолиятини кенгайтирилишига ҳисса қўшиш ва такомиллаштириш асосий роль ўйнаши мумкин.

Республика миқёсида ногиронларнинг меҳнат ва жамоат ишларида фаоллигини ошириш бўйича ногиронлик масалаларини йўналтирувчи кенгаш тузилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Агар мазкур вазифалар ҳал қилинса республикамиздаги ҳар бир ногирон жамиятда фойдали меҳнат билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилганидан руҳланади, фахрланади ҳамда ўзини соғлом меҳнаткаш инсон қаторига қўя олади.

Абдусамад АБДУСАЛОМОВ,
*Ўзбекистон ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш институтининг бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди.*

# Китоб жавонингизга

## СОҲИБҚИРОН ТАНГАЛАРИ

**Халқимизнинг бугунги кунда ўз ўтмиш тарихига, айниқса соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврига бўлган қизиқиши тобора ортиб боряпти. Тарих фанлари номзоди Ирпан Тўхтиевнинг «Темур ва темурийлар сулоласининг тангалари» деб номланган рисоласида ҳам айнан мана шу қизиқишларни ҳисобга олинган десак муболаға бўлмайди.**

**— Рисола ҳақида «Оқшом» муштарийларига қандай маълумотлар бера оласиз? — юзландик у кишига.**

— Ушбу рисолада берилган материаллар Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг нумизматика, яъни тангашунослик фондида сақланаётган ва бундан илгари эълон қилинган буюк соҳибқирон бобомиз, унинг авлодлари даврига доир танга пуллар асосида ёзилган бўлиб, бу тангаларни ўрганиш ўша даврдаги Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий аҳволини ўрганишда муҳим аҳамиятли тарихий манба сифатида хизмат қилади, десак янглишмаган бўламиз. Китоб фототасвиридаги амир Темурнинг геометрик ва ҳар хил нафис нақшлар билан безатилган тангаларига назар ташлар эканмиз, кўз ўнгимизда бу тангаларга урилган тамға гавдаланади. Бу тангалар учта чамбараксимон кичик ҳалқачалардан иборат. Испания қиролининг элчиси Клавихонинг фикрича бу тамғалар «Темур — уч томоннинг ҳукмдори», — деган маънони англатади.

Маълумки, буюк соҳибқирон 1372 йилдан бошлаб тангаларни Самарқанд, Бухорода, Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Ироқ сингари мамлакатларнинг Ардабил, Астробод, Астра, Домғон, Маҳмудобод, Мордин, Исфаҳон, Қум, Косон, Шероз каби 40 га яқин шаҳарларида зарб қилган. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий қудратини ундаги пулнинг сифат ҳамда қийматидан билиб олиш мумкин. Шу жиҳатдан амир Темур давридаги тангалар жуда юқори қийматли ҳисобланган.

Буюк зот шахсига, у ҳукмронлик қилган даврга қизиқиш тобора ортиб бораётган бир пайтда рисола нафақат юртдошларимизда, балки хорижлик китобхонларда ҳам катта таассурот уйғотиши шубҳасиздир.

Нозима УЛУҒОВА.

